



Савол:

Интернет саҳифаларига керакли хабарлар, фойдали илмлар оламан деб кирган бироқ, каршисидан фохишаларнинг суратлари чикиб колган йигитга кандай насихатларингиз бор.

Жавоб:

Азиз биродар Аллохга хамдлар бўлсинки сизга кўпчилик эга бўлмаган имкониятни бериб кўйибди, у хам бўлса интернетдан фойдаланиш. Албатта интернет, имкониятлари чексиз бўлган замонавий воситадир. Бундан ким кандай фойдаланади, ўзингиз айтмоқчи унинг саҳифаларини варақлар экансиз энг яхши ва энг ёмон нарсалар чиқаверади. Шунинг учун сиз ўзингизга дунё ва охиратда фойда берадиган нарсаларни кўришга ҳаракат килинг, шуни хам эсдан чиқарманки, Аллох сизни ҳар кандай ҳолатда кўриб, килаётган ишингизни билиб туради. Колаверса унинг фаришталари хам каламларини кўлларида тутган ҳолда сизнинг ҳар бир килаётган ишингизни ёзиб бормоқдалар. Сиз ана шу фохишаларнинг суратларига бирорта диндор биродарингиз олдида карашдан хижолат бўласиз. Шундай экан кандай килиб сизни яратган, ризк берган ва якин кунларда ўлдириб киёмат кунида ҳисоб китоб киладиган Аллохдан уялмайсиз.

Аллох барчамизга фойдали илм берсин!